



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 20 май, № 105 (7607)

Чоршанба

Сайтнинг QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Бир ҳақиқатни барчамиз аниқ тушуниб олишимиз шарт: пандемия шароитида биз жорий этган янги тизимнинг қанчалик самарали ишлаши фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН АҲОЛИ ДАРОМАД СОЛИГИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 май куни тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус инфекциясига қарши кураш ишларига яна бир бор тўхталиб ўтди.

Касалликни юқтирган 2 минг 802 нафар фуқародан 2 минг 314 нафари ёки 82 фоизи бутунлай соғайгани, бу курашда чинакам жасорат кўрсатаётган 23 минг тиббиёт ходимига жами 78 миллиард сўмдан зиёд рағбатлантириш пули тўла берилгани айтилди.

— Касалликка қарши курашиш билан бирга, чет эллардаги фуқароларимиз ҳақида ҳам қайғурянимиз. Ҳозирги кунгача хориждан 39 минг нафар юрtdошимизни олиб келдик. Чет элда оғир аҳволда қолган яна 12 минг нафар фуқарога тегишли ёрдам кўрсатиб, уларни юртимизга олиб келиш чоралари кўрилмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Иқтисодиёт тармоқларида фаоллик тикланмоқда. Мисол учун, охириги ҳафтада тадбиркорлик субъектлари томонидан электр энергияси истеъмоли 13 фоизга кўпайган. Шунингдек, кейинги икки ҳафтада биржада цемент савдоси олдинги ойнинг шу давридагига нисбатан 104 минг тоннага, ёқилги маҳсулотлари 74 минг тоннага, қурилиш ойнаси 60 минг квадрат метрга ошган.

Эпидемиологик ҳолатдан келиб чиқиб, ҳудудларни "яшил", "сарик" ва "қизил" зоналарга ажратган ҳолда, 110 мингга яқин тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига руҳсат берилди, 600 мингдан зиёд кишилар иш жойига қайтди.

Умуман, сўнгги икки ойда пандемиянинг аҳоли турмуш тарзини ва иқтисодиёт тармоқларига таъсири юмшатиш бўйича Президентнинг 12 та Фармон ва қарори қабул қилинди. Бунинг натижасида 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари ва 8 миллиондан ортиқ фуқароларга қарийб 30 триллион сўмлик имтиёз ва преференциялар берилди.

18 май куни давлатимиз раҳбарининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик

субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ҳужжатга мувофиқ, 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ва 100 мингга яқин аҳолига қўшимча 1,7 триллион сўмлик кўмак берилди.

— Қанчалик оғир бўлмасин, нима шароит яратиш зарур бўлса, барчасини қилдик. Энди иқтисодиёт ва инвестиция комплекслари, сектор раҳбарлари кўйи тизимда ушбу имтиёزلарнинг ҳар бир тадбиркор ва фуқарога етиб боришини таъминлаш керак, — деди Президент.

Республика комиссиясига соҳалар ва ҳудудлардаги эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, қолган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳам босқичма-босқич руҳсат бериш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг 38 та тумани "қизил" зонада қолаётгани боис карантин қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Пандемия туфайли камбағал аҳоли ва ишсизлар сони ошиши, оилалар даромади камайиши тайин. Шу сабабли кичка фуқарога янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш зарур.

Йиғилишда бу борадаги қўшимча чора-тадбирлар ва устувор вазифалар муҳокама қилинди. Аввало, тадбиркорлар ҳуқуқлари кафолатлари ва мулк дахлсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

— Барча ҳокимларни оғохлантираман. Бирорта тадбиркорнинг мулки ноқонуний олиб кўйилса, ҳоким фақат ишдан кетиш билан қутулмайди, балки қонун олдида жавоб беради, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Мутасадди идораларга мулк дахлсизлигини бузганлик учун жа-

вобгарликни кучайтириш, мулкни компенсация қилиш бўйича тадбиркорлар фойдасига чиқарилган суд қарорлари ижросини тўлиқ таъминлашга доир кўрсатмалар берилди.

Президентимиз топшириғига кўра, тадбиркорлик муҳити ҳар бир тўман ва шаҳар кесимида ойма-ой таҳлил ва ҳулоса қилиб борилади. Шунингдек, Бизнес-омбудсман тадбиркорлар ҳуқуқи ва мулк дахлсизлигини бузган туман ва шаҳар ҳокимлари тўғрисида ҳукуматга маълумот киритиб боради. Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлар муаммосини ҳал қилмаган, улар билан етарли даражада ишламаган шаҳар ва туман ҳокимларининг лавозимга лойиқлиги масаласини кўриб чиқади.

Ўзини ўзи банд қилаётган, қўлида касб-хунари бор одамларга муносиб шароит яратиш мақсадида янги тизим жорий этилиши белгиланди. Яъни сарторос, этикдўз, новвой, темирчи, дурадгор, тикувчи, таксисти, таржимон, дизайнер, компьютер дастурчиси каби ўзини ўзи банд қилган 60 дан зиёд касб эгалари даромад солиғидан озод қилинади. Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун телефон орқали солиқ идораларини хабардор қилиш kifoya. Илғор хорижий тажриба асосида бундай фуқароларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш бўйича мобиль илова ишлаб чиқилди.

Маълумки, йил бошида хусусий нотариуслик фаолиятига руҳсат берилгани натижасида 617 та давлат нотариуси хусусий бўлди ва бюджетдан берилаётган 200 миллиард сўм иқтисод қилинди.

Худди шунингдек, ҳозирги кунда давлат идоралари кўрсатаётган кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, ер ажратишда топосуратга олиш каби хизматлар хусусий секторга ўтказилса, минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига аниқ

ҳисоб-китоб асосида, хусусий секторга ўтказиш мумкин бўлган давлат хизматлари рўйхатини шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Карантин даврида кўпгина ташкилотлар тўлов қобилиятини йўқотиб, банкротлик ёқасига келиб қолган. Шунингдек, 57 та туман ва шаҳарда сўнгги 4 ойда тадбиркорлик учун бирорта ер участкаси аукционга чиқарилмаган. Ҳолларда давлат улуши мавжуд 552 та объект бўш турибди.

Ушбу иншоотларда ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш, айриқларида кичик саноат зоналари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан бун кичик саноат зоналари мулк ҳуқуқи асосида ташкил этилиб, бошқарувага хусусий сектор кенг жалб қилинади. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳокимликлар билан бирга ушбу кичик саноат зоналари жойини аниқлаш, инфратузилмасига маблағ ажратиш, бошқарувага хусусий секторни кенг жалб қилиш билан шуғулланади. Уларни инфратузилмага улаш учун жорий йилда Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 200 миллиард сўм ажратилади.

Пандемия оқибатларини юмшатиш доирасида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурига ажратилган 1 триллион сўм кредит маблағларини қайтариш муддати узайтирил-

ди. Шу боис ушбу дастурни тўлиқ амалга ошириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион доллар ресурс ажратилди.

Президентимиз маҳсулот, ускуна, хом ашё ҳамда айланма маблағлар учун кредит олишда тадбиркорларга ўрнатилган барча чекловлар олиб ташланиши кераклигини таъкидлади. Марказий банкка кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларига кредит бериш шартларини соддалаштириш бўйича топшириқ берилди.

Маҳсулотларга талабни кучайтириш учун савдо фаолиятини рағбатлантириш, аҳолининг истеъмол қобилиятини ошириш мақсадида истеъмол кредитлари беришни кенгайтириш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда тижорат банклари олдидаги вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Халқ қабулхоналари ва Бош вазир қабулхоналарига келган мурожаатларнинг 55 фоизи банк кредитлари билан боғлиқ экани бу борадаги муаммолар кўламини кўрсатади. Чўнчи, банк хизматлари бўйича тадбиркорлар мурожаатлари "Миллий банк" АЖДа 10 фоиз, "Микрокредитбанк" АТБда 11 фоиз, "Агробанк" АТБда 13 фоиз ижобий ҳал қилинган, холос.

Президентимиз банк фаолиятига миқдорларга ҳизмат кўрсатиш сифатига қараб баҳо берилишини алоҳида қайд этди.

Тижорат банклари кичик бизнес ривожига муҳим бўлган экани, шунинг учун ҳар бир тумандаги "ўсиш нуқталари"га маблағ йўналтириб, тадбиркор ва фуқароларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда тадбиркорлар билан ишлашда сусткашликка йўл қўйган айрим туман ва шаҳар ҳокимларини вазифасидан озод қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ижросини ташкил этиш юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси



ХАЛҚИМИЗГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИШЛАЙДИГАН ҚОНУНЛАР КЕРАК

Мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига дахлдор долзарб масалалар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида атрофлича кўриб чиқилди. Депутатлар қонун лойиҳалари муҳокамаларида асосий эътиборни, энг аввало, уларнинг халқимиз ҳаётида қандай ўрин тутиши, амалиётга қандай таъбиқ этилиши билан боғлиқ жиҳатларига қаратишди. Қарама-қарши фикрлар, қизгин тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Таълим соҳасида янги қоидалар жорий этилади

Қон тартибидаги дастлабки масала — янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокама қилинган эди. Муҳокама давомида бир неча моддалар юзасидан бир фикрга келинмаганили сабабли улар устида ишларни давом эттириш ҳамда келгуси мажлисда ана шу моддалар атрофида тўхталиб ўтишга келинган.

Шундан сўнг масъул қўмита барча фракциялар, депутатлардан тушган тақлиф ва мулоҳазаларни

жамлаб, мутахассис ва экспертлар иштирокида қонун лойиҳаси устидаги ишларни давом эттирди.

Таъкидлаш жоиз, қонун лойиҳасини такомиллаштириш мақсадида масъул қўмита ҳамда ишчи гуруҳ томонидан бир неча бор муҳокамалар ўтказилди. Тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида лойиҳанинг қоида ва нормалари маромига етказилди. Норма ижодкорлиги талабларидан келиб чиқиб, лойиҳадан ҳаволаки тусдаги қатор нормалар чиқарилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар киритилди.



Олий Мажлис Сенати

БЕЛГИЛАНГАН ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ ИЖРОСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг видеоконференцадо ҳақида мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятларида бюджет даромадларига белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижроси ва II чорада қўллаётган натижалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Тошкент вилояти бўйича бюджет даромадларига 2020 йилнинг I чораги учун белгиланган 765 миллиард сўм прогноз амалда 795 миллиард сўмга (104 фоиз) бажарилиб, қўшимча 30 миллиард сўм тушум таъминланган. Жорий йилнинг I чорагида тушумлар мақдори 2019 йилнинг мос давридагига нисбатан 158,6 фоиз ошган.

Шу билан бирга, мажлисда ушбу йўналишдаги муаммолар тўғрисида сўз юритилди. Хусусан, биринчи чора бўйича умумий прогноз бажарилган бўлса-да, қўшилган



БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИ

ОПТИМАЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун куни кеча Президентимиз томонидан имзоланди.

Янги Қонун

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз кўпгина давлатларнинг иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди, шу жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, хизмат кўрсатиш ҳамда экспорт ва импорт ҳажмларининг камайиши, транспорт алоқаларининг қисқариши кузатилди. Табиийки, ушбу

ҳолатлар мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўз таъсири кўрсатмай қолмади.

Бугун юртимизда пандемия ва глобал инқироз ҳолатларининг миллий иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш ва унинг олдини олиш борасида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



ЎзЛиДеП:

СИНОВЛИ КУНЛАРДА ЧЕТДА ТУРГАНИМИЗ ЙЎҚ

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар сайловчилар ишончини қандай оқламақда? Қайд этиш керак, ҳозирги глобал шароит, мураккаб вазият улар зиммасига масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ана шундай синовли дамларда партиялар, уларнинг парламент қўйи палатасидаги фракциялари аҳоли билан янада яқин бўлиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун нималарга аҳамият қаратишмоқда? Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳарақати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ақтам ХАЙТОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

Бизнинг суҳбат

— Ақтам Аҳмадович, жорий йилнинг ўтган даври ЎзЛиДеПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида қандай амалий ишлар билан ётда қолди? Янги таркибдаги фракция билан ишни бошлаш қийин бўлмади?

— Ташкилий масалаларни инобатга олганда депутатларимиз билан иш бошлаш қийин бўлмади, деб бемалол айтишим мумкин. Негаки, партиямиз томонидан ҳар қандай энг муносиб инсонлар депутатликка номзод этиб сараланган. Қолаверса, партия раҳбари сифатида сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари даврида имкон қадар барча номзодларимизни жойига бориб қўллаб-қувватлаб, улар билан бевосита ҳамфикр бўлганлигим туфайли фракция фаолиятини ҳамжиҳат-

ликда йўлга қўйиш осон бўлди.

Энди, бевосита қонунчилик ташаббусларига тўхтайсиз. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ўтган давр давомида Қонунчилик палатасида муҳокама қилинган 40 дан зиёд қонун лойиҳаларини маромига етказишда ЎзЛиДеП фракциясининг депутатлари ўзларининг амалий тақлифлари билан фаол иштирок этишди. 4 та қонун лойиҳаси депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган бўлса, улардан биттаси фақат ЎзЛиДеП фракциясининг аъзолари ташаббуси билан, яна бири бошқа парламентарийлар билан биргаликда ишлаб чиқилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ

Ҳужжатда нималар ўз ифодасини топган?

- Иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш;
- ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш;
- аҳоли бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтириш;
- тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш.

Кичик тадбиркорлик субъектларига қуйидаги суммаларни ҳисобдан чиқариш кўринишида қўшимча қўллаб-қувватлашлар берилади:

- апрель ва май ойлари учун мол-мулк ва ер солиғи суммалари; 2020 йил 15 май ҳолатига (2020 йил 1 январдан) юзага келган ушбу икки солиқ бўйича пеня ва жарималар.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қуйидаги фоиз харажатларини қоплашга компенсация берилади:

- Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган инвестициявий кредитлар бўйича, кредит шартномасининг биринчи йили давомида;
- айланма маблағларини тўлдириш учун миллий валютада 500 миллион сўмгача бериладиган кредитлар бўйича, кредит шартномаси амал қилиш муддати давомида 10 фоизлик пункт миқдориди.

Фармонга мувофиқ қуйидагилар 2020 йилнинг I июнидан 1 сентябргача мол-мулк ва ер солиғи тўлашдан озод қилинади:

- кичик тадбиркорлик субъектлари;
- бозорлар ва савдо комплекслари;
- кинотеатрлар;
- умумий овқатланиш корхоналари;
- жамоат транспорти корхоналари;
- спорт соғломлаштириш муассасалари;
- йўловчи ташиш, маиший хизмат кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

Аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари:

- 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, икки ёшга тўлгунга қадар бола парварishi бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан қўшимча 10 фоизга оширилади.

2020 йилнинг 1 майдан 1 июлгача микрофирма ва кичик корхоналар учун (акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ҳамда устас жамғармасида (устас капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайирилади.



Тўғри овқатланишда ҳам ҳикмат кўп



Муборак Рамазон ойида кўпчилик рўза тутиш учун тонг сахарда ёғли, гўшти, хилма-хил ширинликларга бой таомлардан "бас" дегунча еб олишга ҳаракат қилади. Бироқ бундай пайтда меъёрни унутиб, тўғри овқатланишга эътибор берилмаса, ҳазм қилиш аъзолари фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, соғлиққа зиён етказиб қўйиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун айрим тавсияларимизни айтиб ўтишни жоиз, деб билдик.

Тавсия

Сахарликдан олдин қисқагина бадантарбия қилиб, ювингандан кейин бир-икки пиёла тоза, қайнатилмаган сув ичиш ва 10 — 15 дақиқа вақт ўтказиб, таомланишга киришиш мақсадга мувофиқ. Қуруқ мевалардан истеъмол қилиш ҳар жихатдан фойдали бўлади. Масалан, араб хурмоси, ёнғоқ ёки майиз ёйишни тавсия қиламиз. Имкониятга қараб, ёнғоқ, ўрик туршаги, қора майиздан ярим килограмдан олинб, унга 2 донга ўрточа катталиқдаги лимонни пўсти билан бўлақлаб, гўшт майдалагичдан ўтказинг ва унга ярим килограмм асал аралаштиринг. Шу махсулотдан 2-3 ош қошиқ истеъмол қилсангиз, сизни кун давомида тўқ тутайди. Шундан кейин ёғи ва гўшти кўп таомдан, албатта, камроқ истеъмол қилганингиз маъқул. Сахарликда меъёридан ортиқ (жуда тўйиб) овқатланиш кун давомида чанқок келтириб чиқаради. Айниқса, ортиқча вазнга эга одамлар энгил таомланиб, сувдан, чойдан кўпроқ ичишса, шунинг ўзи кун давомида тетик юришча ётарли бўлади.

қилишдан олдин тайёрлаган айни муддаодир. Албатта, тонг сахарда овқат тайёрлаш учун вақт кам. Шунинг учун тез пийдагидан таомлар, мисол учун, ҳар хил гуручли, ёрмали бўтқалар ёки тухум қўймоқ (хоҳишга қараб) танлаб олинса ва у нон билан ёйилади. Сахарликда тегишли миқдорда суюқлик (сув, чой) ичиш лозим, сабаби ҳозирги иссиқ кунларда киши чанқайди. Эрта-лаб ичилган бир-икки пиёла сув 10 — 15 дақиқада ошқозонда кенаси билан тўпланган шира, шилмимшиқ суюқликларни ичакларга ювиб ўтиб кетади, меъдани навбатдаги таомларни ҳазм қилишга тайёрлайди. Сахарликда овқатланиб бўлган, бирдангина чўзилиб ётиш жудаям зарарли, бу ҳолат ошқозон-ичакларимиз иш фаолиятини бузиб, кун давомида беҳол юришга сабаб бўлиши ёки ошқозонда баъзи муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Яхшиси, таомланганингиздан кейин кўчада ёки ховлида 25 — 30 дақиқа сайр қилинг. Бу жуда фойдалидир.

“Кечки овқат учун тайёрланган таомни сахарликда ёйиш мумкин эмас. Лекин шунга қарамадан кўпчилик кечагидан қолган гўшти сомса ва бошқа таомлар билан сахарлик қилади. Советкичда сақланган таомни назар, овқатнинг таркибидан 6 — 8 соат ичида зарарли микроорганизмлар кўпайиб, кишини захарлаши мумкин.”

Музни эса хона ҳароратида эритиб олинг. Музлаб жараёнда ҳар хил аралашмаларни ўзида сақлаган сув тезда музламай туради, сувнинг музлаган қисми топ-тоза бўлади. Бундай сув эритилган сув дейилади ва ундан тургидан-тўғри истеъмол учун фойдаланиш мумкин.

10 — 15 дақиқа ўтказиб, хоҳласангиз бир пиёла айрон (чалоп) ингандан сўнг кўкатлар, помидор, пизедр қўшиб тайёрлаган салат ёйиш лозим. Яна 10 — 15 дақиқа ўтиши билан иссиқ овқат (энг яхшиси қайнатма шўрва) нон билан шойимасдан истеъмол қилинади. Унинг устидан шўрвангиз гўшти ёки сомса ёйиши мақсадга мувофиқ. Айрим кишилар овқатдан кейин ҳар хил ширинликлар, масалан, қанд-қурс, пирожное, торт ёйишни одат қилиш-

ган. Бу нотўғри, агар жуда ширинлик егингиз келса, бир оз (бир-икки чой қошиқ) асал истеъмол қилинг, у овқатнинг ҳазм бўлишини яхшилайдиган табиий махсулот ҳисобланади. Шундан кейин чой (унчалик аччиқ бўлмаган кўк чой), бир оз вақт ўтиши билан иштаҳага қараб тоза, қайнатилмаган сув ичиш мумкин.

Ифторликда қиссалар сув ичиш ҳам мақбул эмас. Бундай қилиш физиологик нуқтаи назардан нотўғри, чунки иштаҳа йўқолади. Шундай бўлса-да, баъзи кишилар ўзини мажбурлаб таомланмади. Наттижада овқат ҳазм қилиш жараёни бузилади. Иштаҳа бўлмаганида синлардан тозалашда жигарга қўмак беради, вужудни тинчлантиради.

Ақсарият рўзадорларнинг истеъмол қиладиган таомиди ёғ ва гўшт рўзагача даврда ейдиган меъёридан нисбатан кўп бўлади. Ушбу ҳол организмга катта юклама тушишига олиб келади. Жумладан, бунинг натижасида ҳазм ширалари шиддат билан кўп ажралади, қонда ичаклардан сўрилган шакар, аминокислоталар, ёғ ва глицерин одатдагидан кўпаяди. Бу юрак-қон томирлари, ички секреция безлари, моддалар алмашинуви тизимлари ишида ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Баъзи рўзадорларнинг ўзини вақти-вақти билан беҳузор сезиши шундан. Шундай бўлмаслиги учун гўшт, ёғи кам бўлган мастава, қатикли овқатлар, мена-чавалар, сабзавотли, қўқатли салатлар билан ифторлик қилинг.

Физиологик нуқтаи назардан, рўза тутиш барча ҳазм аъзоларига вақтинча дам бериш дегани. 15-16 соат, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт, ошқозон-ичакларга на сув, на овқат тушмай, улар дам олади, тўпланиб қолган қолдиқ моддалардан тозаланади. Кун давомида ўзини "супуриш-сидириш" билан банд бўлган ошқозон-ичакларимизни ифторлик боис серёғ, сёрғуш ва бошқа таомлар билан роса тўлдириб ташлаш организмга жабр қилиши демокдир.

Рўза тутиш орқали тозаланган организм ўз фаолиятини тўлиқ тиклаб олади. Наттижада хотира ва диққатни жамлаш қобилияти яхшиланади, киши ўзини бардам сеза бошлайди. Организмимиз аъзоларининг фаол ва меъёрида бўлаши, руҳан тетиклигининг эса саломатлигимизнинг асосий пойдеворидир.

Шониёз ҚУРБОНОВ, биология фанлари доктори, профессор, Гулноза БУРАНОВА, физиолог.



Фарғона асалчилари дунёга чиқишмоқда

Фарғона вилоятида мингдан зиёд субъектлар асаларичилик йўналишида фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан етиштирилган табиий махсулот нафақат юртимизда, балки ташқи бозорда ҳам харидордир.

Изланиш

2019 йилгача соҳани ривожлантириш мақсадида банклар томонидан 3 миллиард 600 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилган. Бунинг натижасида ўтган йилда 1400 тоннадан ортиқ табиий, шифобахш ва арзон асал етиштирилди. 40 мингдан зиёд асал пакетлари тайёрланди, 20 мингдан ортиғи экспорт қилинди.

Тармоқни кўлаб-қувватлаш, ички бозорни арзон, сифатли махсулот билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳалар шифобахш табиий бол ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўрмон хўжалиқчилиги асаларичиликни ривожлантириш дастурида кўзда тутилган бир қатор вазифалар юқлатилган, — дейди Фарғона ўрмон хўжалиги муҳандиси Ёқубжон Асронқулов. — Асаларичиларнинг мониторинги юритиш, уларга амалий ёрдам ва қўрсатмалар бериш, асаларининг уясидан тортиб, оилаларини ташкил қилиш, зарур жиҳозларни етказиб бериш борасида асаларичиларга қўмак беришимиз.

Бундан бир неча йил муқаддам Фарғона шаҳрида 3 миллиард сўм маблағ эвазига асаларичилик марказининг ташкил этилиши вилоятда соҳа ривожини янги босқичга кўтарди, — дейди Фарғона ўрмон хўжалиги муҳандиси Ёқубжон Асронқулов. — Асаларичиларнинг мониторинги юритиш, уларга амалий ёрдам ва қўрсатмалар бериш, асаларининг уясидан тортиб, оилаларини ташкил қилиш, зарур жиҳозларни етказиб бериш борасида асаларичиларга қўмак беришимиз.

Бундан бир неча йил муқаддам Фарғона шаҳрида 3 миллиард сўм маблағ эвазига асаларичилик марказининг ташкил этилиши вилоятда соҳа ривожини янги босқичга кўтарди. Лойиҳа асосида янги бино замонавий усулда жиҳозланди, моддий-техника базаси шакллантирилди. Исроил, Германия, Россия ва Хитой сингари мамлакатлардан технологик жиҳозлар, ўқув қўлланмалари, ишлаб чиқариш ва махсус химия қўлланмалари тикиш учун дастурлар келтирилди. Асални қайта ишлаш ва қадоклаш мақсадида Поляшанинг энгил ормон технологиялари ўрна-тилди. Асаларичилик жиҳоз ва асбоб-ускуналари, асалари уялари ишлаб чиқариш цехи барпо этилиб, унда 30 га яқин иш ўринлари ташкил қилинди. Асаларичиларнинг киши озуқаси — қанд, шунингдек, тикувчилик махсулотлари ҳамда мумпарда ишлаб чиқариш цехлари ҳам қуриб битказилди.

— Асаларичилик бугунги Элёржон ЭҲСОНОВ («Халқ сўзи»).

«Бировнинг ҳаққидан кўрқаман»

Норжон буви шаҳарга ёндош қишлоқда яшайди. Кафтдек томорқаси бор. Уни яшнатиб резавор эккан. Рўзгордан ортганини сотади. Редиска, укроп, айниқса, барра пизеннинг бозори чаққон.

Қай бир куни кимдир "Пизеннинг боғини 500 сумдан сотаясизми?", деб сўраб қолди. Норжон буви "ял" этиб қаради. Тепасида шаддоғина бир хотин турганди. Таниди. Бу аёл ўттиз қадамча нарида савдототиқ қилади.

"Ҳа" дейишга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, хотин гапни илби кетди: "Шу барра пизенгизни ўзим кўтарасизга сотиб оламани". Буви унинг ниятини пайқайди, 500 сумдан олиб, 1000 сумдан сотмоқчи.

Ибрat

— Қизим, — деди Норжон буви, — улгуржи берганимда ҳовлимданок олиб кетишарди. Мен шундай синовли кунларда одамларга ҳарна бўлса-да нафим тегсин, деб қўқатларини арзон сотаяман. Сиз кўтарасизга олмақчи бўлган барра пизенгиз ҳар боғида кимнингдир ҳаққи бор. Мен бировнинг ҳаққидан кўрқаман. Бу сўзларни эшитган боғия аёл гезариб кетди. Лом-мим деймай ортига бурлиди.

ёғочини пуллашга киришди. "Сувтекин" эканини эшитиб, кўнглим суст кетди. Маслаҳатлагани отамнинг хузурига борди. "Мақтаб ҳам табарруқ жой болам, — дея дашном берди отам. — Зинкор-базинкор бу ишани қила кўрма. Кўпнинг ризки буюрмайди... Орадан йиллар ўтди. Отам ҳақ бўлиб қиди. Нафсини тия олмай мактабнинг гишту ёғочини сотганинг ҳам, уни харид қилган кишининг ҳам бошига кўп савдолар тушди. Кўпнинг ҳаққи буюрмас экан.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

Хўрматли акциядорлар!

СҚВ «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

кенгаши 2020 йилнинг 9 июнь куни соат 11.00 да, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бош офисининг мажлислар залида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорларининг НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ўтказилишини маълум қилади.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

- «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида.
- «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлик тижорат банки бошқаруви тўғрисидаги низомга (янги таҳрир) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
- Банк кенгаши томонидан «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ тизимида ички назорат тўғрисидаги низом (янги таҳрир) тасдиқлашни муносабати билан (2020 йил 28 февралдаги 2020/08-сонли баённома) банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2016 йил 29 апрелдаги 34-қарорига асосан тасдиқланган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ тизимида ички назорат тўғрисидаги низомни бекор қилиш ҳақида.
- Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2020 йил 10 май.
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: 2020 йил 3 июнь.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2020 йил 9 июнь, соат 10.00 да бошланиб 11.00 да тўхтаилади.

Мурожаат учун телефонлар: 78-120-45-00 (ички: 13-30), 94-711-13-75.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚУЙДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Акциядорлик жамиятининг марказий бошқарув аппарати:

- Ички аудит хизмати мутахассиси — олий маълумотли, иш тажрибасига эга;
- Хуқуқшунос — олий маълумотли, иш тажрибасига эга;
- Хуқуқшунос — олий маълумотли;
- Инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи раҳбари — олий маълумотли, иш тажрибасига эга;
- Инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи раҳбари — олий маълумотли.

Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган «500 кВ Сурхон — Пули-Хумри (Хўжа-Альон) электр узатиш линиясини қуриш» инвестициявий лойиҳасини амалга ошириш гуруҳига:

- Лойиҳа менежер — олий техник маълумотли, камида 3 йиллик иш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши лозим;
- Қурилиш режалари бўйича менежер — энергетика объектларини қуриш соҳасига тааллуқли олий маълумот эгаси, камида 3 йиллик иш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши лозим;
- Молиявий менежер — олий маълумотли, молиявий таҳлил ва моделлаштириш, истиқболли режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва бюджетлаштириш соҳасида камида 3 йиллик иш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши лозим;
- Харидлар бўйича менежер — олий техник маълумотли, камида 3 йиллик иш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши лозим;
- FIDIC (муҳандис-маслаҳатчиларнинг халқаро федерацияси) бўйича шартномалар менежери — олий маълумотли, иш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши лозим;
- Операциялар ва техник хизматларни бошқариш бўйича менежер — олий маълумотли, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича қарорлар, буйруқлар, услубий ҳақда меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш тажрибасига эга, ўзбек ва рус тилларини билиши лозим;
- Ижтимоий ҳимоя ва атроф-муҳит муҳофазаси менежери — олий маълумотли, камида 3 йиллик иш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши лозим;
- Қурилиш муҳандиси — энергетика объектларини қуриш соҳасидаги олий маълумот эгаси, камида 2 йиллик иш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши лозим;
- Подстанция муҳандиси — олий маълумотли, энергетика соҳасида, хусусан, подстанцияларга хизмат кўрсатиш йўналишида иш тажрибасига эга, ўзбек ва рус тилларини билиши лозим;

- Электр узатиш амалиёти муҳандиси — олий маълумотли, энергетика соҳасида, хусусан, электр тармоқлари йўналишида иш тажрибасига эга, ўзбек ва рус тилларини билиши лозим;
- Ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассис — олий маълумотли, технологик чиқиндиларни камайитириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қонун ҳужжатлари, йўриқномалар, стандарт ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш тажрибасига эга, ўзбек ва рус тилларини билиши лозим;
- Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мутахассис — олий маълумотли, экологик қонунчилик: экологик меъёрлар ва қоидалар, лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказиш билим-қўникмаларига эга, ўзбек ва рус тилларини билиши лозим.

Жаҳон банки маблағлари асосида «Магистраль тармоқлар подстанцияларини модернизация қилиш ва реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳига:

- Иқтисодчи — олий маълумотли иқтисодчи, иқтисодий, молиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг истиқболли ҳамда йиллик режаларини ишлаб чиқиш тажрибасига эга, инглиз ва рус тилларини (ўртача даражадан юқори) билиши лозим;
- Ускуналар бўйича мутахассис — олий маълумотли, энергетика объектларини жиҳозлаш ва подстанциялар ҳамда электр тармоқларидан техник фойдаланиш иш тажрибасига эга, инглиз ва рус тилларини (ўртача даражадан юқори) билиши лозим;
- Экологик ҳимоя ва ижтимоий масалалар бўйича мутахассис — олий маълумотли, энергетика объектларида экологик меъёрлар ва қоидалар бўйича иш тажрибасига эга, инглиз ва рус тилларини (ўртача даражадан юқори) билиши лозим;
- Мониторинг бўйича мутахассис — олий маълумотли, халқаро молиявий институтлар томонидан молиялаштирилаётган лойиҳаларни мониторинг қилиш ва баҳолаш соҳасида тажриба ва техник қўникмалар иш тажрибасига эга, ўзбек ва рус тилларини (ўртача даражадан юқори) билиши, инглиз тилини муқаммал билиши лозим.

ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР:

- Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига биноан иш тартиби белгиланган, меҳнат муҳофазаси кафолатланади;
- шаҳар марказида жойлашган шинам офис хоналари, лавозим йўриқномасида белгиланган шaroит ва қулайликлар;
- иш ҳақи миқдори штат бирлигига асосан (қўшимча устамалар ва мукофот пуллари).

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 42-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани ҳокимияти. Мурожаат учун телефонлар: 71-236-68-31, 71-236-68-51, 71-208-56-74. Қўшимча маълумотлар uzbekistonmet.uz веб-сайтида. t.me/uzmetaxborotxizmati Электрон почта: kadr_nes@mail.ru; info@uzbekistonmet.uz

«Ўзбекистон МЭТ» АЖ ахборот хизмати t.me/uzmetaxborotxizmati

ИПАК ЙЎЛИ БАНКИ

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки

нақд пул тушумларини санаш, банкноталар ҳақиқийлигини аниқлаш ва саралаш қурилмасини сотиб олиш бўйича банк ускуналарини етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида

танлов ўтказилишини маълум қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: **100017, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.**

Танлов ҳужжатларини қабул қилишингиз сўнгги куни — **2020 йил 25 май соат 12.00 гача.**

Мурожаат учун телефон: **78-140-69-00 (ички: 1234).**

E-mail: sh.rahmedov@ipakyulibank.uz

Масъул ходим: Раҳмедов Шукрулло.



ПАНДЕМИЯ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ

Ўзбекистон иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?

Коронавирус пандемияси бошланғичи қадрар ҳаётини иқтисодиётда ижобий таъсирлар, барқарор ривожланиш кузатилаётган эди. Ҳатто охириги йилларда ўсиш суръати ўртача 3 фоизни ташкил қилаётганди. Бу борада, айниқса, Хитой, Ўзбекистон, Тожикистон, Арманистон каби мамлакатларда юқори натижалар қайд этилаётганди. Масалан, 2019 йилда дунё иқтисодиётининг ялпи даромади 84,5 триллион АҚШ долларини ташкил қилди. Лекин вазият бирданига ўзгариб кетди...

■ У пайдо бўлди-ю...

COVID-19 ушбу рақамларни нафақат "носталгия"га айлантди, балки ҳеч ким кутмаган саволларни инсоният олдида қўйди. Турри, улар кўп эмас. Бармоқ билан санарли, аммо ниҳоятда оғриқли. Ҳўш, коронавирус пандемияси келтириб чиқарган глобал инқирознинг олдингиларидан фарқи жиҳатлари нимада? У жаҳон ва минтақавий иқтисодиётга қандай салбий таъсир кўрсатади? Бу ҳолат қанча муддат давом этади? У тугаганидан кейинги ривожланиш қай даражада кечади, башариёт тақдирини нима бўлади?

Бугун сўбатчилар, экспертлар, журналистлар, қисқаса, сайёрамиздаги барча соҳа вакиллари ўзларидан келиб чиқиб, ушбу "бошқотирма"ларга жавоб изляпти.

Негати, мазкур "вирусли лабиринт" қисқа вақтда бир минтақа, ё қўймага эмас, балки 187 мамлакатга кириб бори. Уларга нафақат ташқаридан, балки ичкандан ҳам кучли зарба берди. Миллий иқтисодиётларни, трансмилий гигантларни "ноқдаун"га уратди. "Нокуат" вазиятга тушганлар ҳам оз эмас. Оқибатда ривожланиб келаётган оқибатда глобал иқтисодиёт "тормоқ"ланиб, мамлакатлар бир неча ой ичида изоляция шаклига ўтишга мажбур бўлди.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришнинг фикрича, "тождор ёв"нинг дунё давлатлари бюджетига зарари ўртача 10 фоизни ташкил этиши мумкин. Халқаро валюта жағмараси ва Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларида кўра эса пандемия глобал тараққиёт суръатларини 3 фоизгача пасайтириб юборди. Ҳўш, бундай тенденциялар Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий ҳаётида қандай акс этмоқда?

Авалло, бир ҳақиқатни тан олайлик. Мамлакатимиз раҳбари томонидан мазкур офатнинг таъсир кўламини ва истиқболдаги негатив жиҳатларига мўддатидан олдин оқилона баҳо берилди. Жавоб чоралари ишлаб чиқилиб, ўз вақтида жорий қилинди. Ва мазкур жараёнлар узлуқсиз давом эттирилляпти. Шу бўйича қабул қилинаётган ҳужжатларда қўйлаётган оқибатларнинг олдини олиш, аввало, синовили кўнларда халқни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт барқарорлигини сақлаб қолтишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланб берилмоқда. Уларни самарали амалга оширишга қаратилган манзилли "Йўл харитаси" ҳам ишлаб чиқилган. Буларнинг амалий аҳамияти ҳақида эса сал кейинроқ кенгрок тўхталиб ўтамиз.

■ Очқиклик ва ёпиқлик ўртасидаги фарқ

Рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, глобаллашув, интеграция, икки ва кўп томонлама иқтисодий алоқалардан инқирозгача кўп наф кўрган мамлакатлар коронавирус пандемиясидан жуда кўп зарар кўраётган экан. Боз устига, айни улар Жонс Холкинс университетини ҳар кун эълон қилиб бораётган рўйхатда етакчилар қаторида кетяпти. Уларнинг орасида юртимизнинг яқин иқтисодий шериклари — АҚШ, Россия, Хитой ва Туркия ҳам бор.

Чунки иқтисодиётнинг салоҳияти, савдо-сотиқ муносабатлари, мамлакатларнинг очқиклик даражаси, товарлар, инвестиция ва туристлар оқими ўзаро контактларнинг ортишига ва эпидемиянинг кенг тарқалишига сабаб бўлган. Нисбатан кам тараққиёт этган ва иқтисодиёти очқиклиги паст бўлган мамлакатлар (масалан, Тинч океанидаги орол давлатлар ва Туркменистон) пандемия тарқалишидан ҳамон холи деяр эътироф этилаётди.

Солиштирма тадқиқотлар ҳам мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги улуши билан коронавирустга чапчанларнинг улуши ўртасида ўзаро алоқадорлик борлигини кўрсатапти. Айни чоғда пандемия туфайли иқтисодий йўқотишлар ҳажми эпидемиядан зарарланган рақамлари билан боғлиқлиги аниқланди.

Буни эконометрик моделлаштириш натижалари ҳам тасдиқлаган. Яъни дунё

■ Салбий таъсирлар ҳақида прогнозлар

Ҳўш, глобал иқтисодий инқироз Ўзбекистон иқтисодиёти учун қандай рисклар тугдиради? Биринчидан, юқорида айтиб ўтганимиздек, республикамизнинг асосий ҳамкор давлатларида иқтисодий вазият ёмонлашди. Иккинчидан, мигрантларнинг халқаро пул ўтказмалари ҳажми қисқаради. Учинчидан, коронавирус даврида экспорт тушумлари камаяди. Тўртинчидан, валюта бозорида давля озаёши миллий валюта курсига девля вацион босимни вужудга келтиради. Бешинчидан, миллий валютадаги депозитлар камаяди. Олтинчидан, инфляция босим қўлайиши кузатилади.

Шунингдек, асосий экспорт товарлари нархлари пасайиши, экспортёр корхоналар молиявий қийинчиликларга дуч келиши, кредитларни қайтариш бўйича хатарли вазиятлар юзага келиши, ички инвестициялар ҳажми камайиши мумкин. АҚШ долларини курсининг ортиши эса асосий савдо шерикларимиз миллий валюталари курслари қадрини туширади, экспорт товарларимизга бўлган талаб қисқариб, улар томонидан тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш маълум муддат сусайиб туради. Буларнинг натижасида ҳар икки тараф зарар кўради.

Масалан, Ўзбекистоннинг йирик иқтисодиётга эга ҳамкор давлатларида ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши глобал ишлаб чиқариш "занжирлари" ҳамда савдо алоқаларининг издан чиқилиши, дунё молия бозорларида ҳам ашё товарлари нархининг арзонлашиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувиغا олиб келиши мумкин.

Масалан, Ўзбекистоннинг йирик иқтисодиётга эга ҳамкор давлатларида ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши глобал ишлаб чиқариш "занжирлари" ҳамда савдо алоқаларининг издан чиқилиши, дунё молия бозорларида ҳам ашё товарлари нархининг арзонлашиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувиغا олиб келиши мумкин.

Масалан, Ўзбекистоннинг йирик иқтисодиётга эга ҳамкор давлатларида ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши глобал ишлаб чиқариш "занжирлари" ҳамда савдо алоқаларининг издан чиқилиши, дунё молия бозорларида ҳам ашё товарлари нархининг арзонлашиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувиغا олиб келиши мумкин.

■ Етти ўлчаб, бир кесадиған пайт

Аммо бундай таҳминлар ҳаммаси, албатта, шундай бўлади, энди ҳеч нарсани ўзгартиришнинг имкони йўқ, деган тушун қайфиятга олиб келмаслиги керак. Боз устига, ҳозир бошни ҳам қилиб, панжа билан юзни беркитадиган пайт эмас.

Бугунги вазиятдан ваҳимага берилмасдан, саросимага тушмасдан, "сихни ҳам, кадобни ҳам кўйдирмай", етти ўлчаб, бир кесиб, ёруғ юз билан чиқиб керак.

Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан глобал инқирознинг республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида қисқа вақт ичида қабул қилинган "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари шу нуктаи назардан ниҳоятда долзарбдир.

Зеро, уларда белгиланган чора-тадбирлар ишончли оптимизмга асосланган. Мазкур муҳим вазифаларнинг сўзсиз ижроси эса одамларнинг давлатга, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаб, юрт

тараққиёти йўлида бир мушт бўлиб интилиш сари рағбатлантормоқда. Хусусан, шу асосда туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноати каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қaratилляпти. Ўз навбатида, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуқсиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари қатъий назоратга олинган. Бу эса мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади.

■ Инқирозга қарши курашадиған жамғарма орқали нималар қилинапти?

Шубҳасиз, бунда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, даволаш ва бошқа муассасаларга коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар, химия воситалари ва тест тизимлари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юктирганлар билан мулоқот қилган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатлар қопланяпти. Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштираб тураётган тиббий



димлари моддий рағбатланрилиб, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан химия чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратилмоқда. Юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш муассасалари ҳамда бошқа объектлар куриш, тавмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун ҳам маблағлар йўналтириляпти.

■ Тадбиркорлик ва ижтимоий бандлик қўллаб-қувватланмоқда

Карантин пайтида тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам устуворлик касб этипти. Биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга қафиллик ҳамда компенсация тақдим этиш кенгайтирилди.

Айни чоғда республика ҳудудларида иқтисодий фаоллик ва бандлигини кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳалари амалга оширилади. Кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникациялари курилади. Давлат бюджетини ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасини молиялаштириш изчил давом эттирилади. Айнан шу мақсад



ларда 2020 йилда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан 1 млрд. АҚШ доллари миқдорига ташқи қарз маблағлари жалб қилинади. Шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, экспорт қилувчилар ва тижорат банклари қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун қўшимча маблағлар йўналтирилади.

Айнан мана шундай саъй-ҳаракатлар инқироздан олдинги макроиқтисодий барқарорлиқни тиклаб беради. Яъни талаб билан ялпи тақлифинг жиҳидий ўзгаришига тўқинлик қилади. Ички валюта бозоридидаги кескин "тебраниш"ларни юмшатади. Пул-кредит шароитлари янада қатъийлаштирилади. Пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш даврийлиги ва ҳажмларини ошириш орқали банк тизимидидаги ликвидлик миқдори камайтирилади ҳамда миллий валютадаги депозитлар жозибадорлиги таъминланади.

■ Жаҳон банки нима дейди?

Жаҳон банки мутахассислари таҳминича, мамлакатимизда иқтисодий фаолият, аҳоли даромадлари пасайиши, чет элдан валюта ўтказмалари камайиши инсонларнинг турмуш даражаси тушиши, камбағаллик даражаси ортишига олиб келиши мумкин.

Республикамизда бу каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар-

роиктисодий тенглик ҳолати бузилиб, мулталоқ издан чиқиб кетиши мумкин эди. Бундай ёндашушни парламент ҳам, ҳукумат ҳам қўллаб-қувватлаётгани ҳар қандай мураккаб синовни енгиб ўтишда ҳамжихатлик нақадар катта куч эканлигини кўрсатади. Зеро, халқимиз "Бирлашган ўзар" деб беҳиз таъкидламаган.

Гап шундаки, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистоннинг ташқи қарзи олдинги йилдагига нисбатан 7,1 млрд. доллар ёки 40,9 фоизга ошиб, жами 24,4 млрд. АҚШ доллари ташкил этган. Шундан 5,7 млрд. доллари давлат сектори ҳиссасига тўри келади. Ўзбекистоннинг ташқи қарзи яъни ички махсулотнинг 42 фоизига тенг. Давлат бюджетининг 2020 йилдаги дефицити 2,7 дан 4,7 фоизга кўтарилди, экспорт ва импорт суръатлари, ўз навбатида, 11 ва 10 фоизга пасайиб, бу тенденция май ойида ҳам сақланиб қолади.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одиложон Иминовнинг таъкидлашича, бундай ҳажмидаги ташқи қарзлар хавотирланишга асос бермайди. Чунки халқаро андозаларга кўра, унинг ялпи ички махсулотдаги ўлуши 55 фоизгача бўлса, хавфли ҳисобланмайди. Шу боис Президент ташаббус билан инқирозли ҳолат даврида Давлат бюджетни сарф-харажатларига босим ўтказмаслик мақсадида қўшимча яна 1 млрд. АҚШ доллари жалб этиляпти. Бу беҳиз эмас, албатта.

■ Инсон омили устувор

Албатта, инқироз давом этаётган даврда миллий иқтисодиётнинг биринчи қатламга вазифалар бозор ишончини тиклаш, инқироз сектори, аввало, рента муносабатлари таъсир ҳудудини қисқартириш ва рақобатчиликни ривожлантиришдан иборат. Миллий иқтисодиётнинг энергия-хом ашё йўлидан инновацион йўналишга ўтказиш самарадорлиги эса аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари, ҳоқимият ва бизнес ўртасидаги алоқаларнинг ишонч даражаси билан белгиланади.

Шунингдек, корхоналарнинг рақобатбардорлиги ва уларнинг иқтисодий ҳолатига коронавируста пандемияси таъсирини юмшатиш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, махсулот таннархини арзонлаштириш, трансакцион сарфларни тежаш чора-тадбирларини амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Молиявий ночор корхоналарга имтиёзли кредит бериш, банкдан олган кредитларини сўндириш учун имтиёз яратиш, махсулотларнинг энергия ва бошқа хом ашё сифатини пасайтиришни рағбатлантириш, маҳал-

мадир. Айнан уларни интеллектуал технологияларга самарали йўналтириш диверсификацияланган иқтисодиёт қуришда оқилона йўл ҳисобланади. Тан олиш керак, мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳозирги диверсификация даражаси етарлича эмас. Буни унинг ривожланиши жаҳон хом ашё бозорларидаги нархлар ўзгаришларига юқори даражада боғлиқлиги ҳам кўрсатиб турибди. Ваҳоланки, инновацион ва рақамли иқтисодиёт ҳаётини фаолиятнинг янги шакллари юзгага келтиряпти. Булар номоддий ишлаб чиқариш, юқсак технологиялар ва инсон капиталига асосланган соҳалардир. Айнан шу жиҳатлар экспорт салоҳиятининг устуворлигини белгиллаб бериши керак.

Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида айнан инсон капиталини қўллаб-қувватлаш бўйича устувор вазифалар белгиланб берилди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни қучайтириш, иқтисодиёт тармоқлари фаолият қўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, айрим хўжалик йоритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида товарларни олиб киришда божхона бож ва акциз солигининг ноль ставкаларни белгиланган шунлар жумласидандир. Хусусан, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яқин тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мажбурий захиралар бўйича талабларни енгилаштириш ҳисобига тижорат банкларини 2,6 трлн. сўм ҳажмидаги қўшимча ликвидлик ресурслари билан таъминлаш, уларга 3 йил муддатга 2 трлн. сўмгача миқдорда ликвидлик тақдим қилишнинг махсус механизми жорий этилди.

Жисмоний шахслар ва яқин тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилнинг навбатдаги 6 ойи мобайнида сўндирилган лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажми 4,7 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Фармонда таъкидланганидек, коронавируста инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларини қўллаш ва уларни банкрот деб эълон қилишга 2020 йил 1 октябргача бўлган муддатда мораторий жорий этилади. Бу мамлакатимизнинг тез фурсатда инқироз таъсиридан чиққани ҳолда, барқарор ривожланиш траекториясига ўтишига хизмат қилади.

■ Улуғ халқ қудрати жўш урган замон

Хулоса шуки, буюқ аждодлар вориси бўлган, илму ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни юқсак қадрлайдиган камтарин халқимиз ҳар қандай тўсиқлардан олиб ўтиб, навбатдаги марраларни эгаллаш йўлида тинимсиз интилоқда, меҳнат қилипти. Бундай ҳамжихатлик эса янги Ўзбекистонни яқин йиллар ичида ривожланган мамлакатлар сафига олиб чиқиш имконини беради. Зеро, бугун суоқли ширимиз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, "Улуғ халқ қудрати жўш замон"да яшаймиш.

Бунда давлатнинг оқиллик, инсонпарварлик тамойиллари жамиятимизда қарор топаётган адолат, очқиклик мезонлари билан бирлашиб фуқаролардаги ташаббускорлик, меҳнатсеварлик фазилатларини яққол юзгага чиқаряпти. Пировадида буларнинг барчаси йўлда ураётган фовлар, хоҳ "тождор" вирус бўлсин, хоҳ довул, хоҳ сув тошқини қаршида энгилмас қувват янглиғ майдонга чиқяпти. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Халқимиз ўз тарихида қандай оғир табиий офатларни кўрган бўлмасин, Қодир Аллоҳнинг марҳамати билан, ўзининг куч-қудрати, вазминлиги ва доғишмандлиги орқали уларнинг барчасини енгиб ўтган".

Турсун ШОДИЕВ,
Тошкент халқаро Вестминстер университетини ҳузуридаги ЮНЕСКОнинг Билимлар иқтисодиёт кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Ваҳоси келишилган нарҳда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-йў. Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6